

V.ХИЗМАТЛАР

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгиланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, суғурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Замонавий жамият ҳаётида хизматлар соҳаси жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки ҳеч бўлмаганда унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ.

2020 йил январь-сентябрь ойларида хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 11 930,5 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 4 197,8 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 35,2 % ташкил қилди. 2019 йил январь-сентябрьга нисбатан ўсиш 103,2 % ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган хизматларнинг

асосий кўрсаткичлари

(2020-йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	млрд. сўм	2019 йил январь-сентябрьга нисбатан % ҳисобида	якунга нисбатан % ҳисобида
Жами хизматлар	11 930,5	103,2	100,0
<i>шу жумладан:</i> хизмат турлари бўйича			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	325,2	133,5	2,7
молиявий хизматлар	1 713,0	135,9	14,4
транспорт хизмати	2 847,8	100,3	23,9
<i>шу жумладан:</i> автотранспорт хизматлари			
яшаш ва овқатланиш хизматлари	400,1	81,3	3,3

савдо хизматлари	4 113,4	102,4	34,5
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	369,9	91,0	3,1
таълим соҳасидаги хизматлар	360,3	99,0	3,0
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	190,4	74,9	1,6
ижара ва прокат хизматлари	360,4	101,3	3,0
компьютерларни ва майший товарларни таъмирлаш хизматлари	224,2	91,2	1,9
бошқа шахсий хизматлар	296,7	93,8	2,5
меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	422,6	98,5	3,5
бошқа турдаги хизматлар	306,5	78,1	2,6

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари (жами хизматларнинг 34,5 %), транспорт хизматлари (23,9 %) ва молиявий хизматлар (14,4 %) га тўғри келади.

Шунингдек, молиявий хизматлар (135,9 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (133,5 %), савдо хизматлари (102,4 %) ва ижара хизматлари (101,3 %) да ўсиш суръати юқори бўлди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган

бозор хизматларининг таркиби

(2020-йилнинг январь-сентябрь ойларида)




Худудлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Нурафшон шаҳрида (114,7 %), аксинча энг паст ўсиш суръати Қибрай (98,7 %) туманида кузатилди.

Аҳоли жон бошига энг катта хизматлар ҳажми Нурафшон шаҳри (52 464,0 минг сўм), Чирчик шаҳри (21 122,1 минг сўм) ва Қибрай тумани (5 686,3 минг сўм) да қайд этилди.

Вилоят бўйича кўрсатилган хизматларнинг Нурафшон шаҳрига (21,5 %), Қибрай (9,6 %) ва Зангиота (7,6 %) туманлари хиссасига тўғри келди.

Савдо хизматлари таркиби, % да
(2020-йилнинг январь-сентябрь ойларида)




Савдо хизматлари таркибига автомобиллар ва мотоцикллардан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга бўлиб, унинг улуши 69,3 % ни ташкил этади.

Улгуржи савдо хизматларининг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 22,3 % ни ташкил этди.

Автомобил ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси, автомобиль ва мотоциклларни таъмирлаш хизматларини кўшган ҳолда умумий савдо хизматларининг 8,4 % ни ташкил қиласи.

**Худудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари,
ўтган йилга нисбатан, % да
(2020-йилнинг январ-сентябр ойларида)**



Ушбу давр мобойнида нисбатан юқори ўсиш суръатлари Нурафшон (114,7 %) ва Чирчиқ (101,1 %) шаҳарларида, Паркент (101,3 %), Юқоричирчиқ (101,1 %), Зангиота (101,0 %) ва Бўка (101,0 %) туманларида қайд этилди.

Нисбатан юқори бўлмаган ўсиш Ангрен (100,9 %) ва Бекобод (100,8 %) шаҳарларида, Оққўргон (100,9 %) ва Бўстонлиқ (100,8 %) туманларида қайд этилди.

Алоҳида хизмат турлари ҳажмининг таққосланиши,
1 октябрь ҳолатига, млрд. сўм



Хизматлар ҳажмининг нисбатан сезиларли бўлмаган ҳолда ошиши савдо хизматлари бўйича кузатилди. Уларнинг ҳажми 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 565,9 млрд.сўмга ошди.

**2020 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар бўйича кўрсатилган
хизматлар ҳажми**

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	Млрд.сўм	2019 йил январь- сентябрьга нисбатан % да	Жами хизматл ар ҳажмида ҳудудлар нинг улуши, % да	минг сўм	2019 йил январь- сентябрьга нисбатан % да
Вилоят бўйича	11 930,5	103,2	100,0	4 030,7	101,6

шахарлар:

Нурафшон	2 565,5	114,7	21,5	52 464,0	113,5
Олмалиқ	615,5	98,8	5,2	4 666,2	97,3
Ангрен	576,8	100,9	4,8	3 045,6	99,5
Бекобод	466,8	100,8	3,9	4 852,0	99,3
Оҳангарон	294,2	100,5	2,5	1 850,5	98,8
Чирчик	806,9	101,1	6,8	21 122,1	98,4
Янгийўл	382,1	100,4	3,2	6 275,0	98,7

туманлар:

Оққўрғон	184,2	100,9	1,5	1 746,4	99,5
Оҳангарон	205,0	100,4	1,7	2 130,5	98,9
Бекобод	242,7	100,5	2,0	1 534,9	99,0
Бўстонлиқ	577,7	100,8	4,8	3 402,4	99,6
Бўка	238,4	101,0	2,0	1 887,6	99,5
Куйичирчиқ	161,7	100,6	1,4	1 493,1	99,3
Зангиота	903,4	101,0	7,6	4 551,1	99,7
Юқоричирчиқ	450,8	101,1	3,8	3 302,8	99,1
Кибрай	1 142,4	98,7	9,6	5 686,3	97,6


Паркент	378,9	101,3	3,2	2 433,3	99,5
Писекент	171,7	100,4	1,4	1 695,4	98,9
Ўртачирчиқ	287,5	100,6	2,4	1 907,6	98,5
Чиноз	331,0	100,3	2,8	2 459,2	98,6
Янгийўл	380,2	100,2	3,2	1 797,0	98,4
Тошкент	567,1	100,7	4,8	3 126,1	99,1

Худудлар ўртасида энг юқори ўсиш суръатлари Нурафшон (114,7 %), Чирчик (101,1 %) шаҳарлари ва Паркент (101,3 %), Юқоричиқчиқ (101,1 %) туманларига тўғри келади.


Энг паст ўсиш суръатлари эса Олмалиқ шаҳри (98,8 %) ва Қибрай тумани (98,7 %) га тўғри келади.

2020 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 4 030,7 минг сўмга teng бўлди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,6 % ни ташкил этди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ўсиш суръати, % да




2020 йил январь-сентябрь ойларида худудлар бўйича
аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми



Жорий йилда вилоятда аҳоли жон бошига кўрсатилган энг юқори хизматлар улуши Нурафшон шаҳрида – 52 464,0 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,5 % ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган энг кичик хизматлар улуши Пискент 1 695,4 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (98,9 %), Бекобод 1 534,9 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (99,0 %), Қуйичирчиқ 1 493,1 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (99,3 %) ташкил этди.

**Худудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
фаолиятининг улуши, % да**



2020 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажмига нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши 69,8 % ташкил этди.

Худудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши таҳлил қилинганда энг юкори улуш Бўка 98,6 %, Оқкургон 98,4 %, Пискент 98,4 % туманларига тўғри келиб, аксинча паст улуш Қибрай тумани 56,7 % ва Нурафшон шаҳар 12,2 % тўғри келди.